

## **THE IMPORTANCE OF DESIGN, DESIGN TEACHING AND PEDAGOGICAL DESIGN IN THE DEVELOPMENT OF PRESCHOOL COMPETENCE IN PRESCHOOL CHILDREN**

**Zuparova Dilnoza Dadakhonovna**

dilnozazuparova@mail.ru

909452057

**Abstract:** This thesis focuses on design, the essence of design education, the importance of developing the competence of preschool children in play.

**Keywords:** Design culture, design education, pedagogical design, competence, preschool pedagogy, game competence.

## **МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ЎЙИН КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДИЗАЙН, ДИЗАЙН ТАЪЛИМИ ВА ПЕДАГОГИК ДИЗАЙННИНГ АҲАМИЯТИ**

**Зупарова Дилноза Даҳоновна**

dilnozazuparova@mail.ru

909452057

**Аннотация:** Ушбу тезисида дизайн, дизайн таълимининг моҳияти, мактабгача ёшдаги болалар ўйин компетенциясини ривожлантиришдаги аҳамияти ёритилган.

**Калим сўзлар:** лойиҳалаши маданияти, дизайн таълими, педагогик дизайн, компетенция, мактабгача педагогика, ўйин компетенцияси.

**Аннотация:** В данной работе освещена важность дизайн образования в педагогике, формировании и развитии игровой компетенции младших и дошкольников.

Дизайн ҳакли равишда замонавий ва ҳар соҳага тааллукли санъат дея эътироф этилади. Бугунги ривожланган жамиятда дизайннерларнинг моҳир қўллари, фантазиялари, креатив фикр ва лойиҳалари кириб бормаган касб, соҳа ва ҳизматнинг ўзи қолмади. Педагогика соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Дизайн (инглизча *design* – фоя, лойиҳа, чизма, тасвир), предметлар муҳитининг эстетик ва функционал сифатини шакллантириш мақсади билан амалга оширилган лойиҳалаш фаолиятининг турли кўринишларини англатувчи атамадир. юқори даражадаги истеъмолга мўлжалланган, эстетик сифатларга эга бўлган ҳамда инсон ҳаёти учун қулайлик яратадиган буюм нарсалар муҳитини, турар жой, ишлабчиқариш, ҳизматлар, жараёнла, рижтимоий-маданий соҳаларни ташкил этувчи бадиий лойиҳалаш фаолияти демакдир. Ривожланган мамлакатларда дизайнга жуда катта эътибор қаратилган бўлиб, бу мамлакат иқтисоди, турмуш даражасининг кўтарилиши учун муҳим омилдир. Бола бошидан, деганларидек, ҳар қандай касб-хунарни эгаллаш болалиқдан бошланади. Замонавий жамиятда билимли, ижодий фикрлашга, фикрини аниқ ифодалашга, ўз нуқтаи назарини химоя қилишга қодир бўлган шахсга нисбатан катта эҳтиёж мавжуд. Бундай баркамол шахсни тарбиялаш мактабгача таълим тарбия жараёнига компетенциявий ёндашувни талаб этади. “Илк қадам” давлат дастури                   Ўзбекистон                   Республикасининг                   илк                   ва                   мактабгача ёшидаги болаларни ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган мөъёрий-хукукий ҳужжат бўлиб, унда мактабгача таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари, ўқувтарбиявий фаолиятнинг асосий ғоялари ифодаланган, шунингдек, боланинг таълимнинг кейинги босқичига ўтишидаги асосий компетенциялари белгиланган.

December, 30<sup>th</sup> 2021

Үйин компетенцияси – боланинг үйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва қўникмалардан ижодий фойдаланиши. Ўқув-тарбиявий жараён учун асос ҳисобланади.

Ўйин болага келажакда замонавий дунёда ўз хаётий фаолиятини амалга оширишига имкон яратувчи хаётий зарур бўлган туғма жараёндир. Ўйин – бола ҳаётининг мухим фундаментал қисми бўлиб, унинг мамнунликда ўтказган кувноқ ҳолатидир. Ўйиннинг асосий характеристикалири сифатида баҳра олиш, ноаниқлик, чорлов, ўзгарувчанлик ва натижавийликни қайд этиш лозим. Айнан үйин жараёни болага жамиятнинг очик, креатив, мустақил аъзоси бўлишга ёрдам беради. Ўйин ёрдамида болаларда келажакда катта одамларга зарур бўлган инновацион, ижодий фаолиятни шакллантирувчи компетенцияларнинг шаклланишига замин яратилади.

Демак үйин – субъектнинг үйин-кулги, завқланиш, стресслардан ҳалос бўлишга нисбатан бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган, шунингдек, маълум билим ва қўникмаларни ривожлантиришга ҳизмат қилувчи ўзини ифодалаш шакли ҳисобланган эркин фаолиятидир.

### **Сюжет-ролли фаолият.**

Мактабгача ёшдаги бола фаол интеллектуал ривожланиш жараёнининг бошланиши онг символик функциясининг шаклланиши билан боғлиқ. Бу жараён сенсоромотирек ривожланиш даврининг охирида, яъни бола ҳаётининг учинчи йилида содир бўлади. Сюжет ролли үйинлар жараёнида таълим олувчи бир қанча дизайн категориялари билан тўқнашиб боради. Предметлар олами, уларнинг ҳосса ва хусусиятлари, стилизацияси, шакли ва функцияси билан мулоқотда бўлади. Белги функцияси бир объектни иккинчи объект сифатида қўллаш имкониятидан келиб чиқади. Ҳаракат жараёнида предмет ўрнини босувчи бошқа буюмларни қўллаш мумкин, лекин, натижада бирламчи предметга тааллуқли деб ҳисобланади. Белги функцияси дастлаб объектив фаолият билан боғлиқ ҳолда ривожланади ва шундан кейингина нутқий характерга ўтади, бу еса болага сўзлар билан фикр юритиш имконини беради. Ж. Пиагетнинг таъкидлашича, болалар рамзлардан фойдаланишни бошлашлари билан уларнинг фикрлаш жараёнлари мураккаблашади О.А. Шаграева таъкидлаганидек, мактабгача ёшдаги бола фикрлаш функцияларини сюжет-ролли үйинлар жараёнида ташкил этишда тарбияланувчи онгидаги белги функцияси кашф этилмайди, балки, ўзлаширилади. Белги функциясининг юзага келишида асос сифатида боланинг у ёки бу предметдан фойдалана олиш қўникмаси, шунингдек, предметлар ва ҳаракатларни фарқлай билиш лаёқати ётади. Бу фарқ ва уйин қоидалари катталар томонидан берилади.

### **Предметлар ва материаллар билан экспериментлар ўтказишга оид үйин фаолияти.**

Турли предметлар ва материаллар билан тажриба ўтказган ҳолда, мактабгача ёшдаги бола фаол амалий фаолият жараёнида уларнинг мутаносиблиги, уйғунлиги, сенсор хусусиятлари сифатлари, белги ва функцияларини ўрганади, муносабатини билдиради. У ёки бу буюмлар бадиий тилини ўрганади. Бундай ҳолда, бола нафақат кузатади, балки атрофдаги дунё объектлари ҳақидаги гояларини амалга оширади; уларни синаб кўради, шунинг натижасида болада кашфиётчилик, ижодкорлик қобилияти шаклланиб боради ва предметларни кузатибгина қолмасдан, уларни мустақил равишда ўринли қўллаш, ўзгартириш қобилиятларини намоён қиласди. Мактаб ёшига етгунига қадар педагог ва психологлар ёрдамида фаол тарзда турли үйин технологиялари асосида таълим олган болаларда нисбатан эрта ва юқори даражада шаклланган дикқат, хотира, фикрлаш, йўриқнома асосида фаолият юритиш кузатилганлиги бежиз эмас. Үйин экспериментларининг боришини назорат қилувчи педагогдан болани ўзи кўриб қабул қилган объектлардан олган таассуротларини мақсадга йўналтирилган ҳолда таҳлил қилиш, уларнинг алоҳида хусусият, сифатларини идрок этиш, тўғри қўллаш, умумийлаштира олиш ёки конкретлаштириш, синфлаш қўникмаларини шакллантириш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам, эксперимент үйинлар боланинг билиш қобилиятларини ривожлантиришнинг мухим фактори ҳисобланади. Үйин фаолиятининг турли хил шакллари мактабгача ёшдаги боланинг когнитив ривожланишини таъминлаш жараёнига психологик педагогик шарт шароитлари эътиборга олинган ҳолда ўзининг салмоқли хиссасини қўшади. Қуйида мактабгача ёшдаги болалар билан амалга ошириладиган үйин фаолиятининг характеристикасини дизайн ва дизайн таълими нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши болада келажакда дизайн лойихалаш маданиятини шакллантиришда мухим аҳамият касб этади.

**December, 30<sup>th</sup> 2021**

**Адабиётлар рўйхати**

1. “Илк қадам” Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури Тошкент 2018 йил 4 б.
2. О. В. Цаплина. Исследование игровых компетенций дошкольников.  
<https://cyberleninka.ru/article/n/igra-problema-definitsii-i-klassifikatsii>
3. Красовская, Е. В. Формирование коммуникативных компетенций у детей старшего дошкольного возраста с общим недоразвитием речи / Е. В. Красовская, А. Н. Данилова. — Текст : непосредственный // Теория и практика образования в современном мире : материалы V Междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, июль 2014 г.). — Т. 0. — Санкт-Петербург : СатисЪ, 2014. — С. 80-82. — URL: <https://moluch.ru/conf/ped/archive/105/5948/>
4. Быстрова Т.Ю. Вещь. Форма. Стиль: Введение в философию дизайна. Екатеринбург, 2001